

ARCHITECTURAL SOLUTIONS TO HARMONIZE WITH MODERNITY THE SPECIFIC FORMS OF THE COMPOSITION OF THE STYLE OF THE BUILDING

Akbarali Uralov-independent seeker Samarkand State Architecture and Construction University

Abstract: The aim of the study is to substantiate the key artistic means for harmoniously combining the unique forms of architectural style of buildings with modernity, as well as to identify advanced traditions in modern architecture. Research methods: Increasing the efficiency of architectural solutions of modern buildings, their study in practice, photofixation, grapho-analytical analysis of the collected data and formulation of conclusions. Results: The formation of rhythmic divisions in the vertical and horizontal directions of building facades and their recognition as a compositional and artistic architectural tool in the appearance of buildings has been proven. Main conclusions: As a recommendation, architects emphasize the great importance of rhythmic divisions as effective solutions in the design of building facades, which are important artistic structural elements that give positive attractiveness.

Keywords: architecture, building facades, facade forms, vertical and horizontal rhythmic division of facades.

КОМПОЗИЦИЯ ЗДАНИЯ ПРЕДСТАВЛЯЕТ СОБОЙ МОНУМЕНТАЛЬНУЮ КОМПОЗИЦИЮ, ВЫПОЛНЕННУЮ В СТИЛЕ МОДЕРН.

Акбарали Уралов - независимый исследователь (СамГАСИ)

Аннотация: Целью исследования является обоснование ключевых художественных средств для гармоничного сочетания уникальных форм архитектурного стиля зданий с современностью, а также выявление передовых традиций в современной архитектуре. Методы исследования: Повышение эффективности архитектурных решений современных зданий, их изучение на практике, фотофиксация, графоаналитический анализ собранных данных и формулирование выводов. Результаты: Доказано формирование ритмических делений в вертикальном и горизонтальном направлениях фасадов зданий и их признание в качестве композиционно-художественного архитектурного средства в облике зданий. Основные выводы: В качестве рекомендации архитекторам подчеркивается огромное значение ритмических делений как эффективных решений в формировании фасадов зданий, являющихся важными художественными структурными элементами, придающими положительную привлекательность.

Ключевые слова: архитектура, фасады зданий, формы фасадов, вертикальное и горизонтальное ритмическое деление фасадов.

БИНО ТАРЗИ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛ- ЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛИК БИЛАН УЙЎУНЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪМОРИЙ ЕЧИМЛАР

Акбарали Уралов- мустақил изланувчи (СамДАҚУ)

Аннотация: Тадқиқотнинг мақсади Меъморчиликда бино тарзи ком-позициясини ўзига хос шакллари замонавийлик билан уйғунлаштиришнинг муҳим бадиий восита-

ларини асослаб бериш ва замонавий бинолар илгор анъаналарини аниқлашдан иборатдир. Тадқиқот методи Замонавий меъморчиликда бинолар меъморий ечимларининг самардорлигини ошириш, улар билан натурада танишиш, фотофиксация ва тўпланган маълумотларни графоаналитик усулда аниқлаш ва хулосалар чиқариш. Натижалар: Бино тарзининг вертикал ва горизонтал йўналишларида ритмик бўлинишларнинг шаклланиши ва уларнинг бинолар тарзида композициявий бадиий меъморий восита сифатида тан олинishi исботланган. Асосий хулосалар: Архитекторларга тавсия сифатида бинолар тарзининг шаклланиши ва уларнинг самарали ечимлари муҳим бадиий таркибий воситалар тарзида ижобий жозибадор усуллар ритмик бўлинишининг аҳамияти улкандир.

Калит сўзлар: архитектура, бинолар тарзи, тарзнинг шакллари, тарзни вертикал ва горизонтал ритмик бўлакларга бўлиниши.

Кириш. Архитектура назарияси ва амалиётига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотларда асосий эътибор замонавий архитектуранинг илгор ижодий йўналишларини аниқлаш, меъморий шакллар гармонияси, биноларнинг конструктив тектоникаси, қурилиш ва пардоз материалларини такомиллаштириш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга. Архитектура назарияси фанида ҳалигача бинолар тарзи композициясининг бадиий имкониятлари тўлиғича очиб берилмаган ёки умуман ўрганилмаган масалалар қаторида бинолар тарзи композициясини замонавий эстетик талаблар билан уйғунлаштириш масалалари туради.

Асосий қисм. Мустақиллик йилларида республикамизда лойиҳаланаётган бинолар тарзининг шаклига эътибор бериб келинмоқда. Архитекторларнинг асосий таркиби орасида эса бу шаклларнинг амалий бадиий моҳияти, афсуски, тўлиқ англанилмаган, чунки уларнинг мазмуни ва аҳамияти архитектура фани ва назариясида ҳам ўрганилмай келинмоқда. Бу эса меъморий амалиётда айрим ҳолларда бадиий композицияси замонавий архитектура назарияси ва таълим тизимида шу чоққача бино тарзи шаклларининг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмаган.

Бино тарзи ва ҳажмини меъморий шакллантириш ва эстетик ҳис этиш даражаси унинг фасади, бино сирти ва массасининг бўлиниш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу бўлинишлар, бино тарзи композициясида горизонтал, вертикал ёки эгри чизик йўналишларида бўлиши мумкин. Фасад сиртларидан ташқари бино тарзи массасининг ўзи ҳам бўлакларга бўлиниши мумкин. Бунда бино массаси тўлиқ ва қисман бўлинган, рельефли ёки контир рельефли усулларда ишланган бўлади[1].

Бино тарзи контраст сиртларга эга бўлиши ёки ҳажм ичига фазовий бўшлиқ киритиш усули билан ҳам бўлиниши мумкинки, бу бино тарзи ҳажмининг таъсирчанглигини оширишга қаратилган меъморий услублардан ҳисобланади. Бино тарзини пропорция ва ритм (вертикал ва горизонтал метрик ритмлар) асосида қисмларга бўлиш натижасида ҳажмий композиция, яъни бино фасади яхлитликка, масштабликка ва динамикага эга бўлади.

Бино фасадининг юзаси қисмларга бўлинганда ҳажм массаси ҳам қисмларга бўлиниши ёки ҳар иккала хил бўлиниш ҳам бир вақтда амалга оширилиши мумкин.

Меъморий-фазовий шакли, бино тарзининг ҳажмийлиги уч координата бўйича қурилган каби, ҳажмнинг қисмларга бўлиниши ҳам уч координата

бўйича амалга оширилади. Агар бўлинишлар тенг аҳамиятли бўлса, улар марказий композицион ўқ атрофида ҳамма томонга тенг тарқалади.



Бино тарзида вертикал йўналишда элементларнинг бири-бирига бўйсунуши ритмик бўлиниш асосида амалга оширилиши мумкин. Ҳажмий шаклнинг вертикал бўлиниши тарз томонларининг нотенглигида ўз ифодасини топади; бунда томонларнинг бири асосий бўлса, қолганлари унга бўйсинган

бўлади[4].

“Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14-ноябрдаги ПФ-5577 сонли Фармонда ҳамда республикада қурилатган замонавий меъморий объектларнинг бадиий жозибадорлиги ва архитектураларнинг савиясини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Қуйидаги расмларда замонавий бинолар тарзининг қурилиш элементлари билан шакллантирилгани акс эттирилган (1-расм).



(1-расм). Кам қаватли турар жой бино тарзига замонавий материаллардан безак билан ишланган ечимга мисол.

Натижалар: Замонавий биноларнинг массаси (тарзи)ни ишлашда меъморлар лойиҳаланаётган бинолар функциясидан келиб чиққан ҳолда уларнинг майда ва йирик масштабли тарз, образларда ишлаган.

Натижалар: Замонавий биноларнинг массаси (тарзи)ни ишлашда меъморлар лойиҳаланаётган бинолар функциясидан келиб чиққан ҳолда уларнинг майда ва йирик масштабли тарз, образларда ишлаган.

Майда масштабли бинолар тарзини ишлашда архитекторлар фойдаланган ва қўллаган энг ишончли ва самарали меъморий-бадиий воситалар-бу симметрия ва ритимдир. Бу ерда бино тарзи эътиборга олинмоқда

ритми эса икки хил: горизонтал ва вертикал метрик ритмларни қўллаш воситасида ишланган.

Бино тарзи архитектураси бино ҳажмининг бўлиниш ҳолатларига (ритмик бўлинишлар-вертикал ва горизонтал, яхлит, қисман, рельефли) бўлинишларга боғлиқлиги бинолар тарзининг жозибадорлигини таъминлаган.

Хулоса: Бинонинг тарзи нафақат функциявий ва қурилмавий элементлари тарзида, балки биноларни лойиҳалашда энг муҳим композициявий меъморий - бадий воситалар тарзида қаралиши зарур, зеро бу шакллар иморатларнинг ажралмас асосий таркибий қисмларини ташкил этади.

Бино тарзининг архитектураси, пластикаси ва жозибадорлиги иморат сирти ва массасининг бўлиниши ҳолатларига боғлиқдир[5].

Бу бўлинишларнинг қуйидаги турлари аниқланган.

тарзнинг вертикал(тик) ритмик бўлақларга бўлиниши;

тарзнинг горизанал ва (тик) ритмик бўлақларга бўлиниши;



тарз массасининг эгри чизик кўринишидаги бўлақларга бўлиниши

тарз массасининг қисман бўлиниши;

тарз массасининг рельефли бўлақларга бўлиниши;

Тарзнинг вертикал ва горизантал ритмик бўлақларга бўлинишлари тураржой ва жамоат биноларида иморат сирти ва массасининг бўлиниш ҳолатига боғлиқлиги (2-3расмлар).

Бино тарзининг иморат сирти ва массасининг бўлиниш ҳолатининг турлари

БЎЛИНИШЛАРНИНГ ТУРЛАРИ	БЎЛИНИШЛАРНИНГ ГРАФИК ТАСВИРИ	АМАЛИЁТДАН МИСОЛЛАР
ТАРЗНИНГ ВЕРТИКАЛ БЎЛИНИШИ		 Молия биноси. АҚШ., Миннесота. 2020 й. https://archello.s3.eu-central-1.amazonaws.com/images/2016/02/19/0880913_1506079813_8558.jpg
ТАРЗНИНГ ГОРИЗОНТАЛ БЎЛИНИШИ		 Тураржой биноси. Испания, Мадрид. 2009 й. https://archello.s3.eu-central-1.amazonaws.com/images/2016/02/19/0880913_1506079813_8558.jpg
ЭГРИ ЧИЗИҚ КЎРИНИШИДАГИ БЎЛИНИШ		 "Самарқанд" чойхонаси. Тошкент. 1977 й. https://mytashkent.uz/wp-content/uploads/2019/07/xx68-800x533.jpg
ТАРЗНИНГ ЯХЛИТ БЎЛИНИШИ		 Тураржой биноси. Ахмадобод, Ҳиндистон. 1951 й. https://i.pinimg.com/originals/65/d3/ca/65d3cac85a8ece5a946e8b9b15972407.jpg
ТАРЗНИНГ ҚИСМАН БЎЛИНИШИ		 БАУХАУЗ ўқув биноси. Германия. https://avatars.mds.yandex.net/get-images-cbiri/2023711/cXAVS8ExWa2mUzPnhPoggQ3588/ocr
ТАРЗНИНГ РЕЛЪЕФЛИ БЎЛИНИШИ		 Турар жой комплекси. Франция., Париж. https://i.pinimg.com/originals/00/bv/sq/00bv/sqXldoGLhwZWosUna0DHcAvaKDjGF82DqdnMuouhLvmERLoxS-32Y6eEYZPL3Ftw=s107

2-расм. Бино тарзининг архитектураси, пластикаси ва жозибадорлигининг бўлиниши ҳолати.



3-расм. Икки ва ундан юқори



қаватли тураржой бинолар тарзига замонавий материаллардан безак берилиб, ўзига хос шакллар билан лойиҳаланган биноларининг энергия самарадорли асосида ишланган ва пардозланган ечимларга мисололлар.

Тадқиқотнинг мунозара (муҳокама) бўлими. Илмий ишнинг назарий аҳамияти тадқиқот материаллари архитектурашунослик фанини ривож-

лантиришда бино тарзи шакллариининг меъморчиликдаги рўли ва аҳамиятини кўрсатиб бериш ва замонавий меъморий лойиҳаларни бажаришда биноларнинг жозибадорлигини оширишда иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз ва шаҳарсозлик архитектураси объектларининг лойиҳа таклифларини ишлаб чиқишда фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий қилишда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тавсия сифатида бино тарзи ечимларига алоҳида эътибор бериш зарур, зеро бу меъморчиликда ўзига хос бадиий-эстетик тарбиявий аҳамиятга эгаки, архитекторлар бинолар тарзларини ишлашда анъанавийлик ва замонавийлик масалларига, архитектурада миллий қадриятларимиздан фойдаланишда архитектуранинг тарихий анъаналарни сақлаб қолиш ҳаракатлари кузатилмоқда.

Тарзнинг вертикал ва горизантал ритмик бўлақларга бўлинишлари тураржой ва жамоат биноларида турлича меъморий бадиий воситалар ёрдамида амалга оширилади: симметрия ва ассиметрияни, метрик ва ритмларни қўллаб, композициянинг яхлитлиги қонуниятларидан фойдаланган ҳолда бинолар тарзининг архитектурасини яратиш тавсия этилган[5].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Уралов А. Меъморчиликда бино курсиси, тарзи ва бадиий тугаллик композицияларининг шаклланишига хос илғор хусусиятлар. //Замонавий тадқиқотлар, инноватсиялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари Республика Илмий-техник анжуман материаллари. 2-Қисм(2022 йил 8-9-апрел).- Жиззах,2022-. 556-570 бетлар.

2. Uralov Akbarali. National Culture of Banquet Hall Building Architecture and Principles of its Formation 1st stage graduate student, WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL SSN: 2697-2131, Volume 22, Issue 2, Nov-2022 <https://igcm.academicjournal.io>. pp.48-57.

3. Uralov Akbarali. National Culture of Banquet Hall Building Architecture and Principles of its Formation International Journal of Culture and Modernity ISSN 2697-2131 Volume 22 Nov-2022, <https://ijcm.academicjournal.io>. pp.102-112.

4. Уралов А. Архитектурада курси, остона, бино тарзи ва бадиий тугаллик композицияларини яратишнинг анъанавий ва замонавий имкониятлари. //Архитектура ва шаҳарсозлик ўтмиш, бугун, келажак мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- ФарПИ, 8-9 октябрь 2021 йил. 305–308 бетлар.

5. Уралов Акбарали. Меъморчиликда бино курсиси, тарзи ва бадиий тугаллик композицияларининг шаклланишига хос илғор хусусиятлар. //Замонавий тадқиқотлар, инноватсиялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари Республика Илмий-техник анжуман материаллари. 2-Қисм(2022 йил 8-9-апрел).- Жиззах,2022-. 556-570 бетлар.